

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ҚОНУНЧИЛИК

### ТЎПЛАМИ

6-сон  
(1182)  
2025 йил  
февраль

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

42. «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 3 февралдаги ЎРҚ–1023-сон Қонуни
43. «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 6 февралдаги ЎРҚ–1024-сон Қонуни
44. «Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 февралдаги ЎРҚ–1025-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

45. «Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармони
46. «Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 февралдаги ПК–41-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

47. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining 2025-yil 4-fevraldagi 1-mh-son “5 — 9-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 5-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2117-2*)
48. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-yanvardagi 227-son, Soliq qo‘mitasining 2025-yil 14-yanvardagi 2025-02-son hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 28-yanvardagi 2025-02-son “Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1334-3*)
49. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 1 февралдаги 1-мх-сон “Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-4*)
50. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 31 январдаги 1-мх-сон “Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-4*)

51. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2025 йил 14 январдаги 252-сон “Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-2*)
52. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 31-yanvardagi 2024/q-q-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-yanvardagi 226-son “Yillik mehnat ta’tili vaqtida saqlanib qolinadigan o‘rtacha ish haqi miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2985-1*)
53. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2025 йил 30 январдаги 230-сон “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-5*)
54. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги 2-мх-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услугиётини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3605*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 42 Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 23 январда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши аҳолининг озиқлик қимматига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан хавфсиз овқатланишини таъминлашга, самарали бозор механизмларини шакллантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришга нисбатан татбиқ этилади.

##### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат захираси** — давлат моддий захирасининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган, сақланадиган ҳамда камайишига йўл қўйилмайдиган ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган қисми;

**ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари** — таркиби ва миқдори бўйича аҳолининг хавфсиз овқатланиш

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 февралда эълон қилинган.

рационининг асосини ташкил этадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

**озиқ-овқат баланси** — мамлакатнинг ички истеъмол талабини қоплаш манбаларини кўрсатган ҳолда аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш истиқболларини баҳолаш ва ҳисоблаш тизими;

**озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захираси** — озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини барқарор сақлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг ўзгарувчан ҳажмларда сақланиши;

**озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги** — мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки муайян минтақасида озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларининг етишмаслиги ҳолати;

**озиқ-овқат хавфсизлиги** — аҳолининг соғлом ҳамда фаол ҳаёт кечириши учун ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ ва узлуксиз таъминланиши;

**хавфсиз овқатланиш** — тананинг ички муҳити барқарорлигини таъминлайдиган ва турли шароитларда атроф-муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига қаршилик кўрсата оладиган, инсон организмнинг функционал фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, организмнинг энергетик ва биокимёвий эҳтиёжларига мувофиқ инсоннинг физиологик жихатдан озиқлик қимматига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминланиши;

**хомашё** — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат ингредиентлари.

#### **5-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги асосий принцип-лар**

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши барқарорлиги;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлиги (ошкоралиги);

озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш;

аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда камситишга йўл қўйилмаслиги.

#### **6-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг минимал нормаларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини шакллантириш;

аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсу-

лотлари билан етарли миқдорда ва узлуксиз таъминлаш имкониятларини кенгайтириш;

озик-овқат маҳсулотларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш, шунингдек ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ва импорти ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаш;

озик-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг хавфсиз овқатланиши соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш;

озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорининг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиш.

## **2-боб. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини тартибга солиш**

### **7-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар**

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келганда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни белгилайди;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то уларни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёни такомиллаштиришнинг устувор инновацион усулларини белгилайди;

озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш тармоқларини,

шунингдек озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги хавфларнинг олдини олиш жараёнлари устидан бошқарув ва назоратни амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

келгуси йил учун озиқ-овқат балансларини тасдиқлайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келган тақдирда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорини барқарорлаштиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг ўзгарувчанлигини, шунингдек уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хомашё етиштиришни ривожлантириш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархлари ўсишининг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлайди;



келгуси йил учун ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг прогноз ҳажмларини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши юзасидан чора-тадбирлар кўради;

давлат захирасини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини ташкил этиш механизмларини такомиллаштиради;

бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси ассортиментини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

келгуси йил учун озиқ-овқат балансини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги майдонларини кенгайтиришга ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиришга қаратилган илмий ишланмаларни амалга оширади;

озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ички истеъмол бозорини ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг барқарорлигини сақлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат захирасини бошқаришни амалга оширади, унинг сақланиши, фойдаланиши ва янгиланиши тизимини такомиллаштиради;

давлат захирасида ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасида сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нормаларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда таъминланганлик даражасини баҳолашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги: озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини, истеъмол, импорт ва экспорт кўрсаткичларини таҳлил қилади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига инвестицияларни жалб этади;

ваколатли давлат органи билан биргаликда ички бозордаги талабни мунтазам ўрганиш асосида, зарур бўлганда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган божхона божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида санитария қоидалари, нормалари ҳамда гигиена нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади, шу жумладан генетик модификация қилинган организмлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан назоратни амалга оширади;

хомашё, кимёвий ҳамда биологик синтез қўшимчаларини ишлаб чиқариш чоғида хавфсизлик кўрсаткичларига риоя этилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ўзгаришларнинг хавфсиз овқатланиш ҳамда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларига таъсири мониторинги ва таҳлилини амалга оширади;

аҳолининг овқатланиши билан боғлиқ юқумли бўлмаган касалликлар-

нинг профилактикасига, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захираси тасдиқланган нормалар асосида шакллантирилишини ташкил этади;

озиқ-овқат балансини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирлардаги иштироки**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**3-боб. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

**15-модда. Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан кўриладиган чоралар**

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан кўриладиган чоралар қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат захирасини яратиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини яратиш;

айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки ундан олиб чиқишни тартибга солиш;

ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини аҳоли йиллик эҳтиёжларининг камида саксон фоизи миқдорида бўлишини таъминлаш.

**16-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади ва асосий йўналишлари**

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳисобига қаноатлантиришдан иборат.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини қўллаш, мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳамда ирригация тизимларини бошқариш самардорлигини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш;

озиқ-овқат саноатини инновацион технологиялар ва ишланмалар билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш, унинг ташкилий ҳамда иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш жараёнларига ресурс тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини сақлаш ҳамда ташиш инфратузилмасини ривожлантириш;

озиқ-овқат хавфсизлиги мониторингини ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги бошқа тадбирларни қонунчиликка мувофиқ ўтказиш.

**17-модда. Озиқ-овқат балансини шакллантириш**

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нормалари мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларига асосан ҳар уч йилда қайта кўриб чиқилади.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли нормалари асосида, талаб этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари ва ҳолатини таҳлил қилиш орқали озиқ-овқат балансини ишлаб чиқади.

Озиқ-овқат баланси қуйидагиларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захиралари билан энг қўп ҳамда мақбул таъминланганлик даражасини.

**18-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси**

Аҳоли сони, жинси, ёши ва ҳудудий шароитларни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини реал вақт режимида баҳолаш ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган хавфларни прогноз қилиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади ва юритилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасида қуйидагилар акс эттирилади:

озиқ-овқат баланси тўғрисидаги ахборот;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳолати;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг экспорти ҳамда импорти ҳақидаги маълумотлар;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг истеъмол динамикаси;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги мақсадли дастурларнинг бажарилиши;

озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар ва стандартлар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасидаги ахборот барча учун очик бўлиши керак, бундан ошкор этилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно.

**4-боб. Истеъмолчиларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари****19-модда. Истеъмолчиларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сотиб олинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида зарурий, ишончли ва очик ахборотни олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг асоссиз оширилиши, сунъий тақчилликнинг юзага келиши хусусида тегишли органларга муурожаат қилиш;

ўзининг овқатланишга бўлган физиологик эҳтиёжини қондириш учун ўз ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмайдиган сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини эркин танлаш;

ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида тегишли давлат назорати органларини хабардор қилиш;

ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчининг (сотувчининг) ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган моддий зиённинг ўрни қопланиши, маънавий зарар компенсация қилиниши;

бузилган ҳуқуқларини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ва бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш.

Истеъмолчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Истеъмолчилар:

озик-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиши;

озик-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек озик-овқат маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши шарт.

Истеъмолчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **20-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ассортиментини эркин танлаш;

озик-овқат баланси тўғрисида ишончли ахборот олиш;

озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захиралари ҳақида маълумот олиш;

озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг истеъмол динамикаси тўғрисида маълумот олиш;

ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотларини эркин реализация қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар:

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хомашёни қайта ишлашда ресурс тежайдиган ва хавфсиз технологиялардан фойдаланиши;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда муомалага киритиш чоғида уларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

истеъмолчиларга етказиб бериладиган озик-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ хавфларни камайтириш ёки бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириши;

ўзи ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) озик-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги зарурий, ишончли ва очиқ ахборотни истеъмолчига ўз вақтида тақдим этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

### **21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**22-модда. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамиятини тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисида назарда тутилган Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 3 февраль,  
ЎРҚ–1023-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ

**43 Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
15 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 январда  
маъқулланган

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишга қаратилган яхлит ҳуқуқий тизимни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида Болалар билан ишлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, шунингдек вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлар ва инспектор-психологлар лавозимлари жорий этилди.

Шу муносабат билан мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Болалар билан ишлаш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо чораларини қўллашга доир ваколатлари белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шунингдек болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1,

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 февралда эълон қилинган.



20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 248-модда:**

**иккинчи қисмининг 4<sup>1</sup>-банди** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «(бундан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 248<sup>1</sup>-модда:

**биринчи қисмидаги** «63-моддасида» деган сўзлар «47-моддасининг биринчи қисмида, 56<sup>1</sup>, 63-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Болалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, бўлим бошлиқлари ва катта офицерлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, суриштирув бўлимлари бошлиқлари, болалар билан ишлаш бўйича катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари»;

**бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 6 февраль,  
ЎРҚ–1024-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **44 Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
10 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 декабрда  
маъқулланган

Кейинги йилларда тижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари тугатиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бунда корпоратив муносабатлар ва юридик шахсларни бошқариш жараёнини такомиллаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга янги турдаги институтларни жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, шунингдек юридик шахсларнинг эскирган ёки кам аҳамиятли ёхуд ўз аҳамиятини йўқотган ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

унитар корхона ва қўшимча масъулиятли жамият шакллари тугатиш;  
юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этишда корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжатида акс эттирилган ёки акс эттирилмаганлигидан қатъи назар қайта ташкил этилаётган юридик шахсга ўтказилиши;

корпоратив шартнома, консорциум ва консорциум шартномаси каби институтларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш;

масъулияти чекланган жамиятларнинг таъсис шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги талабни бекор қилиш;

хўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларини ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ муҳим факт сифатида ошкор этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензия берилганлигига тааллуқли ахборотни эълон қилиш.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ушбу Қонун хўжалик жамиятларининг фаолиятини ва уларни бошқаришни соддалаштириш, корпоратив муносабатларни такомиллаштириш, хўжалик жамиятларининг акциядорлари ва иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янада ишончли воситаларини жорий этиш, амалиётда ўз аҳамиятини йўқотган қатор тартиб-таомиллар ва талабларни бекор қилиш орқали корпоратив муносабатлардаги бюрократиянинг олдини олишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида**»ги 152–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31 — 33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва қўпайиб бориши меҳнаткашлар коллективларига олинган даромадлардан давлат мол-мулкни сотиб олиш учун фойдаланиш имконини бериш, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кооперативлар, бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларини тузиш учун ихтиёрий равишда бирлаштириш билан таъминланади»;

2) **13-модда:**

**1-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Коллектив корхонасининг мулки ижарага олинган мол-мулк сотиб олинган ёки қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда юзага келади»;

**2-бандининг биринчи хатбошисидаги** «давлат корхонаси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **14-модда 4-бандининг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

4) **24 ва 25-моддалар** чиқариб ташлансин;

5) **33-модданинг 4-бандидаги** «тўла хўжалик юритиш, уни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **36-модданинг биринчи қисмидаги** «тўла хўжалик юритиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Ижара тўғрисида**»ги 427–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 45-модда; 1993 йил, № 9, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда; 2024 йил, № 3, 246-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **22-модданинг:**

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **23-модданинг:**

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми** **иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

3) **25-модда** чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1062-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модданинг:**

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мулкида бўлган мулк гарови тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Бунда хусусийлаштирилмайдиган давлат мулкни, шунингдек давлат ташкилотини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва ушбу жараён якунлангунига қадар мазкур давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мулкни гаровга беришга йўл қўйилмайди»;

**еттинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **еттинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**саккизинчи қисмидаги** «тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви» деган сўзлар «бевосита бошқарув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «ё хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **16-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи гаровга қўювчидан ушбу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи гаровни сақлаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно»;

4) **42-модданинг тўртинчи қисмидаги** «хўжалик юритишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги 846–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **1-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат уй-жой фонди маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой фонди ҳамда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларининг оператив бошқарувидаги уй-жой фондидир».

**5-модда.** 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 4, 293-модда, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) **80-моддасининг учинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда,



№ 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **178-модда ўнинчи қисмининг диспозициясидаги** «унитар корхоналари ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **216-модданинг диспозициясидаги** «Давлат корхоналари ва бошқа объектлар» деган сўзлар «Давлат активлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156,



164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **39-модданинг биринчи қисмидаги** «хўжалик юритишида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **40-модданинг иккинчи қисмидаги** «унитар корхона» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **42-модданинг иккинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **43-модданинг тўртинчи қисмидаги** «унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг» деган сўзлар «қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса — бошқа тижоратчи ташкилотларнинг» деган сўзлар «Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **48-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулқдор томонидан молиявий таъминладиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 76-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб беради»;

7) **50-модда:**

**биринчи қисмидаги** «топшириш ҳужжатида мувофиқ» деган сўзлар «топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «топшириш ҳужжатида мувофиқ» деган сўзлар «топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «топшириш ҳужжатида мувофиқ» деган сўзлар «топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **55-модданинг тўққизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатилаётган муассасанинг маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир»;

9) **58-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки қўшимча масъулиятли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **63-модда** чиқариб ташлансин;

11) **70, 71** ва **72-моддалар** чиқариб ташлансин;

12) **165-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«оператив бошқариш ҳуқуқи»;

13) **14-бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«14-боб. Оператив бошқариш ҳуқуқи»;**

14) **176** ва **177-моддалар** чиқариб ташлансин;

15) **178-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат муассасаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади.

Давлат муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли»;

16) **179-модда** чиқариб ташлансин;

17) **181-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«181-модда. Оператив бошқариш ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши**

Мулкдорнинг қарори билан муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи, башарти қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори билан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Оператив бошқаришда бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек муассасада шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам ушбу Кодексда, бошқа қонунчиликда мулк ҳуқуқини олиш учун белгилаб қўйилган тартибда муассасанинг оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарорига ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга кўра бекор қилинади»;

18) **214-модданинг учинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **215-модданинг учинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **232-моддадаги** «хўжалик юритиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **276-модданинг иккинчи қисмидаги** «ё хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «хўжалик юритишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **328-моддадаги** «хўжалик юритишга ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **331-модданинг биринчи қисмидаги** «унинг хўжалик юритишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) қўйидаги мазмундаги **358<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **«358<sup>1</sup>-модда. Корпоратив шартнома**

Хўжалик жамиятининг иштирокчилари ёки айрим иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида ўзаро корпоратив шартнома тузишга ҳақли. Ушбу шартномага мувофиқ мазкур хўжалик жамиятининг иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш (воз кечиш), шу жумладан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича ҳаракатларни келишиб амалга ошириш ўз устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (акцияларини) маълум нархда ёки муайян ҳолатлар юзага келганда қўлга киритиш ёки бошқа шахсга бериш ёхуд қўлга киритишдан ёки бошқа шахсга беришдан ўзини тийиш мажбуриятини олади.

Корпоратив шартнома ёзма шаклда тузилади ва шартнома тарафлари учун мажбурийдир.

Корпоратив шартномага жамият иштирокчилари жамият органларининг кўрсатмаларига мувофиқ овоз бериши тўғрисидаги ва жамият органларининг тузилишини ҳамда уларнинг ваколатларини белгилаш ҳақидаги шартлар киритилиши мумкин эмас. Мазкур шартларга зид бўлган корпоратив шартноманинг шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Корпоратив шартнома тарафлари хўжалик жамиятини корпоратив шартнома тузилганлиги тўғрисида шартнома тузилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт, бунда унинг мазмунини ошкор этиш талаб қилинмайди. Хабарнома тарафларнинг келишувига кўра корпоратив шартнома тарафларидан бири томонидан юборилиши мумкин. Мазкур мажбурият бажарилмаган тақдирда, корпоратив шартнома тарафлари бўлмаган жамият иштирокчилари ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Агар корпоратив шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, корпоратив шартнома тарафларидан бирининг хўжалик жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига (акциясига) бўлган ҳуқуқининг бекор бўлиши қолган тарафлар учун шартноманинг бекор бўлишига олиб келмайди.

Корпоратив шартномада шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ва бундай мажбуриятларни ба-

жармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин»;

26) **459-модданинг:**

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

27) **505-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ёхуд» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

28) **549-модданинг биринчи қисмидаги** «хўжалик юритиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

29) **851-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка нисбатан оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг эгалигига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин»;

30) **852-модда биринчи қисмининг:**

**бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

31) **922-модданинг бешинчи қисмидаги** «хўжалик юритишида ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

32) **962-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Икки ёки ундан ортиқ тижоратчи юридик шахс томонидан тузилган оддий ширкат шартномаси консорциум шартномаси ҳисобланади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

33) қуйидаги мазмундаги **962<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«962<sup>1</sup>-модда. Консорциум шартномасининг ўзига хос хусусиятлари**

Консорциум шартномасига асосан ташкил этилган юридик шахслар бирлашмаси алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Консорциум шартномаси шериклари (иштирокчилари) ўзининг мустақил хўжалик фаолиятини сақлаб қолган ҳолда бошқа консорциумларнинг фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Консорциум шартномаси шериклари (иштирокчилари) ўртасидаги муносабатлар ёзма шаклда тузиладиган консорциум шартномаси билан тартибга солинади.

Консорциум шартномаси шерикларига (иштирокчиларига) товар бозоридаги нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, шу жумладан «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига зид бўлган ҳаракатларни келишиб олиш тақиқланади.

Консорциум шартномасига асосан ташкил этилган юридик шахслар бирлашмаси консорциум шартномасида белгиланган тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган келишилган ишлар якунига етказилганда ёки унинг шериклари (иштирокчилари) қарорига асосан ўз фаолиятини тугатади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, консорциум шартномасига нисбатан ушбу боб қоидалари қўлланилади»;

34) **999-модданинг иккинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 26-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият акциядорлари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш»;

**ўн иккинчи хатбоши**си **ўн учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**2) 93-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда, уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар, бу топшириш далолатномаларида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, янгидан юзага келган юридик шахсга ўтади»;

**3) 94-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда, қўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар топшириш далолатномаларида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил,

№ 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда; 2024 йил, № 5, 460-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Адвокатура тўғрисида»**ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 8, 631-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111, 115-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **3<sup>1</sup>-модданинг учинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда, № 8, 831-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **22-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **49-модданинг учинчи қисмидаги** «(акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хўжалик ширкатлари)» деган сўзлар «(хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги 666–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 432-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар) **15-моддасининг бешинчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3; 216-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат муассасалари ва ташкилотларининг оператив бошқарувида бўлган идоравий уй-жой фонди»;

2) **12-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат муассасалари ва ташкилотлари мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтганда ёки улар қайта ташкил этилганда уларнинг оператив бошқарувида бўлган уй-жой фонди ушбу муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқий ворисларига (агар улар аниқланган бўлса), бошқа юридик шахсларга мулк қилиб ёхуд уларнинг оператив бошқарувига ёхуд белгиланган тартибда фуқароларнинг барча уй-жой ҳуқуқларини, шу жумладан уй-жойни хусусийлаштириш ҳуқуқини сақлаган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига ўтказилиши керак. Бунда уй-жойнинг янги мулкдори, эгаси илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчи бўлиб қолади»;

3) **35-модданинг бешинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **137-модданинг бешинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Ўрмон тўғрисида**»ги 770–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Респуб-



ликасининг 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–475-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 423-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539, 540-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига» деган сўзлар «давлат органлари ва муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2024 йил, № 8, 825-модда) **11-моддасининг тўртинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг амал қилиши давлат муассасалари ва ташкилотлари ўртасида уларга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктирилган мол-мулкни тасарруф этишда келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан таъбиқ этилмайди».

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда, № 5, 460-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 19-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**2) 21-моддадаги** «давлат корхоналарига» деган сўзлар «давлат муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил,

№ 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 1, 2-моддалар; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **Қонуннинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»;**

2) **1-модданинг матнидаги** «масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг» деган сўзлар «масъулияти чекланган жамиятларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **2-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«2-модда. Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонунчилик**

Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир»;

4) **4-модда** чиқариб ташлансин;

5) **5-модданинг:**

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«5-модда. Масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳуқуқий ҳолати»;**

**биринчи қисмидаги** «ёки қўшимча масъулиятли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **6-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

7) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият муассислари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш»;

8) **11-модданинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан киритилади. Таъсис шартномаси қоидалари ва жамият устави қоидалари мувофиқ бўлмаган тақдирда, жамият устави қоидалари учинчи шахслар ва жамият иштирокчилари учун устувор кучга эга бўлади»;

9) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Таъсис шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди»;

10) **13-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамият устави ва унга киритилган ўзгартиришлар қонунчиликда назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Жамият устави ва унга киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради. Ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этилиши, шунингдек жамиятнинг почта манзили ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, бундай ўзгартиришлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор қилинган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради»;

11) **14-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг барабаридан кўп бўлган нақд пулсиз ҳиссалар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади ва баҳоланган қийматдан юқори бўлиши мумкин эмас»;

**иккинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **18-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган жамият уставидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатида ўзгартиришлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этилиши керак. Уставдаги мазкур ўзгартиришлар жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар учун ўзгартиришлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради»;

13) **19-модданинг еттинчи қисмидаги** «таъсис ҳужжатларидаги» деган сўзлар «уставдаги» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **23-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган, жамиятнинг уставига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, улуш сотилган тақдирда эса, жамият томонидан сотилган улушнинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга жамият иштирокчилари улушларининг ҳақини тўлаш якунларини тасдиқлаш ва жамиятнинг таъсис ҳужжатида тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида тақдим этилиши керак»;

15) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «лекин ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **34-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари

орқали иштирок этишга ҳақлидир. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатиши керак. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси билан берилади ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади»;

**17) 38-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг ҳамда коллегиял ижро этувчи органининг, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг аъзолари ҳамда айни шу шўъба, тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас»;

**18) 45<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан кўп бўлган, давлат улуши эллик фоиз ва ундан ортиқ бўлган масъулияти чекланган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Кредит ташкилоти бўлган жамиятда ички аудит хизмати нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир»;

**19) 50-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятлар қўшиб юборилганда, улардан ҳар бирининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бу топшириш далолатномаларида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, қўшиб юбориш натижасида ташкил этилган жамиятга ўтади»;

**20) 54-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият қайта тузилганда, қайта ташкил этилган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бу топшириш далолатномаларида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, қайта тузиш натижасида ташкил этилган юридик шахсга ўтади».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида**»ги 312–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **7-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат улуши эллик бир фоиздан камайиши мумкин бўлмаган корхона вакил қилинган компания бўлиши мумкин».

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғри-**

**сида»**ги 712–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 214-модда, № 4, 337-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 8, 823-модда) **16-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**иккинчи қисмдаги** «унитар корхоналар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмдаги** «унитар корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Ипотека тўғрисида»**ги ЎРҚ–58-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда) **58-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**учинчи қисм** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–96-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **7-моддасининг иккинчи қисмидаги** «давлат унитар корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг ўнинчи хатбошисидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **6-модданинг учинчи қисмидаги** «хўжалик юритувига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 3-модда матнининг:**

**ўн бешинчи хатбошисидаги** «ва давлат корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**корпоратив облигациялар** — акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялар»;

**2) 6-модданинг учинчи қисмидаги** «шунингдек давлат корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин»;

**3) 44-модданинг бешинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Кузатув кенгашининг акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарорлари»;

**йигирма биринчи хатбошиси йигирма иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**4) 48-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш ва (ёки) ишларни бажариш ҳуқуқига доир малака гувоҳномаси берилганлиги тўғрисидаги».

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «**Архив иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–252-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 233-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 4-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

**2) 20-модданинг иккинчи қисмидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

**3) 24-модда биринчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;



**тўртинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган **«Тижорат сири тўғрисида»**ги ЎРҚ–374-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 245-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 111-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**26-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»**ги ЎРҚ–537-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 533-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **17-моддаси бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар) **306-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- 1) **тўртинчи қисм** чиқариб ташлансин;
- 2) **бешинчи — қирқинчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи — ўттиз тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 8, 819, 823, 831-моддалар) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги** «давлат корхонала-



ри негизиди тузилаётган акциядорлик жамиятларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**29-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган «**Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги ЎРҚ–604-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **24-моддасининг биринчи қисмидаги** «давлат унитар корхонаси» деган сўзлар «давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 101-модда) **66-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «хўжалик юритувидаги ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «ёки хўжалик юритувида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**31-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **81-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 923-модда, № 12; 1010-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар) **83-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**учинчи қисм** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи ва бешинчи қисмлар** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**33-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда)

**35-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «ва давлат унитар корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–684-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **19-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**иккинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**35-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августда қабул қилинган «**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–710-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 802-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **13-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «корхоналари» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **24-модда:**

**биринчи қисмидаги** «хўжалик юритувида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «хўжалик юритувида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**36-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган «**Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–763-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда, 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **9-модда биринчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **96-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «хўжалик жамиятлари ҳамда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг» деган сўзлар «хўжалик жамиятларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**37-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрда қабул қилинган «**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–803-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1064-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 10-модда:**

**биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;  
**тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 36-модданинг номи, биринчи ва иккинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«36-модда. Бинолар ва иншоотларга бўлган оператив бошқариш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатлар**

Бинолар ва иншоотларга бўлган оператив бошқариш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

давлат органларининг давлат ташкилотларини ташкил этиш ҳамда уларга бинолар ва иншоотларни оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги қарорлари».

**38-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартда қабул қилинган «**Давлат мулкни бошқариш тўғрисида**»ги ЎРҚ–821-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 3, 183-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 3-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «шунингдек давлат унитар корхонаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**2) 16-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**3) 21-модда биринчи қисмининг:**

**саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўчмас мулкни бир давлат муассасасидан бошқа давлат муассасасига ўтказиш тартибини белгилайди»;

**ўн иккинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарини ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат муассасаси ва давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ўзгартириш тартибини белгилайди»;

**4) 22-модданинг:**

**иккинчи қисми:**

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарига ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли давлат органлари билан келишувга кўра давлат кўчмас мулк объектларини (бундан хусусийлаштирилмайдиган объектлар мустасно), идоравий мансублигидан қатъи назар, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бир давлат муассасасидан бошқа давлат муассасасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

**ўн олтинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонасини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «давлат унитар корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **24-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарининг ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **25-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «ташқил этилган ёки сотиб олинган давлат унитар корхоналарида, давлат муассасаларида» деган сўзлар «ташқил этилган давлат муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарига ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **26-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат унитар корхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **28-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулкий мажмуалар, кўчмас мулкнинг алоҳида қисмлари, давлат улуши, мутлақ ҳуқуқлар ва бошқа давлат мулки давлат мулкани ишончли бошқариш объекти бўлиши мумкин»;

9) **35-модданинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«35-модда. Давлат муассасасини ўзгартириш»;**

**биринчи қисмидаги** «давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси» деган сўзлар «давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонасининг ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси» деган сўзлар «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат муассасасини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва мазкур жараён якунлангунига қадар ушбу муассасага оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мулкани сотишга, ҳисобдан чиқаришга, гаровга беришга, юридик шахсларнинг устав фондларига (устав капиталларига) киритишга ёки уни бошқача тарзда тасарруф этишга ёхуд бошқача усуллар билан давлат мулкига нисбатан мажбуриятларни юзага келтиришга йўл қўйилмайди (бундан жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳоллар мустасно)»;

**олтинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси» деган сўзлар «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **38-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

11) **42-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

12) **47-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташласин;

**тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарига ва» деган сўзлар чиқариб ташласин;

13) **48-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**39-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган «**Давлат қарзи тўғрисида**»ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) **9-моддаси иккинчи қисмининг йигирма учинчи хатбошисидаги** «давлат корхоналари ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**40-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–850-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 7, 533-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонаси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «унитар корхоналари ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**41-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январда қабул қилинган «**Йўл ҳаракати тўғрисида**»ги ЎРҚ–900-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 1, 9-модда) **35-моддасининг биринчи қисмидаги** «хўжалик юритиш ҳуқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**42-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган «**Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида**»ги ЎРҚ–907-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 107-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат муассасалари»;

2) **15-модда:**

**тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **16-модда:**

**еттинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонасини ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «шунингдек давлат унитар корхонасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **19-модда:**

**биринчи қисмининг:**

**еттинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонасини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонасини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **5-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-боб. Давлат муассасасини хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари»;**

6) **26-модданинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«26-модда. Давлат муассасасини хусусийлаштиришнинг умумий тартиби»;**

**биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «Давлат унитар корхонасини ва давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхонасини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонаси ва давлат муассасаси» деган сўзлар «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси» деган сўзлар «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси» деган сўзлар «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



**еттинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонасининг ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат муассасасини кейинчалик хусусийлаштириш шarti билан хўжалик жамиятига ижарага бериш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Бунда давлат муассасасининг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнидаги келгуси фаолиятини назорат қилиш мақсадида чекланган муҳитда (камров ҳудуди, ижара муддати, фаолият соҳаси, ходимлар сони, ишлаб чиқариш (хизматлар) ҳажми ва бошқалар) синовдан ўтказиш учун «тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими жорий этилиши мумкин»;

**7) 27-модданинг:**

**номидаги** «Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини» деган сўзлар «Давлат муассасасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «давлат унитар корхонасини ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**8) 30-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**9) 32-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат унитар корхоналарини ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**43-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар:

унитар корхона ва қўшимча масъулиятли жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш юзасидан ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида зарур чоралар кўришни;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**44-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**45-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 7 февраль,  
ЎРҚ–1025-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **45 Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор таъминланишига асосланган тартибини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида юқори қўшилган қийматга эга ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ажратишда, тажриба-синов тариқасида, ижарага олувчиларнинг мустақиллиги ва юқори қўшилган қийматга эга экинлар етиштиришга асосланган янги тизим (кейинги ўринларда — янги тизим) яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, янги тизим доирасида:

а) ер участкалари контурлар яхлитлиги ва суғориш тизимини бузмаган ҳолда 3 гектардан 50 гектаргача бўлган ўлчамларда «E-auction» савдо платформасида электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилади;

б) ҳар бир лот ҳужжатида, кейинчалик эса ер участкасининг ижара шартномасида қуйидагилар мажбурий равишда кўрсатилади:

ер участкасининг норматив қиймати ва тупроқ бонитет бали;

тупроқ таркиби ва сифати таҳлили натижалари, ўрганилган вақти;

алмашлаб экиш тавсия этиладиган асосий ва такрорий экин турлари;

сув билан таъминлаш усуллари, давлат томонидан кафолатланадиган йиллик сув етказиб бериш лимитларининг энг паст ва энг юқори даражаси;

дала четида (муҳофаза зонасидан ташқари) 20 сотихдан кўп бўлмаган, лекин ижарага берилган контур майдонининг бир фоизидан ошмаган қисмида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи объектларни (енгил конструкцияли музлаткичли омборхоналар, саралаш, қадоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар, дала шийпони, техника парки) жойлаштиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳаси;

в) электрон онлайн аукцион савдоларида яшаш жойидан (юридик ман-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 февралда эълон қилинган.

зилидан), ташкилий-ҳуқуқий шаклидан, бошқа ер участкаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар (резидентлар), шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар иштирок этиши мумкин. Бунда аукцион ғолиби кейинчалик ер участкаси жойлашган вилоятда (Қорақалпоғистон Республикасида) юридик шахс ташкил этиши ёки ўзининг юридик манзилини шу ҳудудга кўчириши лозим;

г) электрон онлайн аукцион савдолари орқали аниқланадиган ер участкасига ижара ҳуқуқини олиш учун тўловлар 15 иш куни ичида тўлиқ тўланиши шарт, бунда:

бошланғич нарх ер участкаси норматив қийматининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади;

сотилмаган лотлар ҳар беш кун ичида лотнинг нарҳини 10 фоиздан бошланғич нарҳнинг 20 фоизигача босқичма-босқич пасайтирган ҳолда такрорий аукционга чиқарилади;

д) қуйидагилар:

«Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмалари — ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш материалларини тайёрлаш ишлари бўйича ижрочи ҳисобланади;

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти — тупроқ таркиби ва сифати таҳлили натижаларини аниқлаш бўйича ижрочи ҳисобланади;

е) электрон онлайн аукцион савдоларидан тушган маблағлар 1-иловага мувофиқ тақсимланади.

2. Янги тизим доирасида электрон онлайн аукцион ғолиби — ижарага олувчи Ер кодексида белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан бирга:

а) қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

ер участкасидан қирқ тўққиз йил ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш, кейинчалик ижара муддатини қонунчиликка мувофиқ узайтириш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, навлари ва ҳажмларини, шунингдек, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усуллари мустақил равишда белгилаш, шу жумладан, пахта ва ғалла экинларини фақат ўзи маъқул деб ҳисоблаган тақдирдагина етиштириш;

Ер кодексига мувофиқ ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини текинга ёки ҳақ эвазига ижара муддати давомида бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш), ер участкасини иккиламчи ижарага бериш;

ижарага берувчининг розилигисиз ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, гаров шартига мувофиқ мазкур ҳуқуқни бошқа шахсларга эркин сотиши учун гаровга олувчига ваколат бериш, бунда ижара ҳуқуқи гаровга қўйилгани ҳақидаги ахборот рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ижарага берувчига электрон тарзда юборилади, гаров ҳуқуқи реализация қилиниши натижасида ер участкасига ижара ҳуқуқини олган шахсга ҳам мазкур Фармонда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ўтади;

йиллик сув етказиб бериш лимитларининг энг паст ва энг юқори даражаси доирасида кафолатланган ҳажмда сув олиш, ушбу мажбурият бажарилмаган ҳолларда етказилган зарарларни талаб қилиб олиш;

ер тузиш лойиҳасига мувофиқ дала четида 20 сотихдан кўп бўлмаган, лекин ижарага берилган контур майдонининг бир фоизидан ошмаган қисмида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи объектларни (енгил конструкцияли музлаткичли омборхоналар, саралаш, қадоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар, дала шийпони, техника парки) жойлаштириш;

б) қўйидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш;

ер участкасидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш;

ўз танловига кўра ҳар йили ер участкасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, навлари ва ҳажмлари, шунингдек, тўлов ҳужжатларига асосан реализация қилинган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимида киритиб бориш;

ер участкасининг норматив қиймати ва бонитет бали, тупроқ таркиби ва сифатини қонунчиликда белгиланган тартибда ва даврийликда текширтириб бориш.

3. Белгилансинки, янги тизим биринчи босқичда 2025 йил баҳорги экиш мавсумига қадар 2-иловага\* мувофиқ қўйидаги ҳудудларда туман ҳокимликлари тасарруфида турган, 2025 йил ва ундан кейинги йиллар ҳосили учун пахта ва ғалла экинларини етиштириш назарда тутилмаган бўш турган ер участкаларида жорий этилади:

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Нукус ва Қўнғирот туманларида жами 1 207,8 гектар ер майдонида;

Андижон вилоятининг Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўстон, Жалакудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Хўжаобод, Шаҳрихон ва Қўрғонтепа туманларида жами 629,7 гектар ер майдонида;

Жиззах вилоятининг Арнасой, Пахтакор, Зарбдор, Шароф Рашидов, Мирзачўл ва Зафаробод туманларида жами 511,7 гектар ер майдонида;

Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида жами 953,8 гектар ер майдонида;

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида 13,6 гектар ер майдонида.

4. Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Поп, Ўрта Чирчиқ, Ёзёвон, Қўштепа, Қува ва Фарғона туманларидаги айрим фермер хўжаликларининг янги тизимни 3-иловадаги\* ижарага берилган ер участкаларига ҳам қўйидаги қўшимча шартлар асосида татбиқ этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унга мувофиқ:

а) фермер хўжалиги:

ҳозирда фойдаланаётган жами ер майдонининг ўртача 80 фоиз қисмига нисбатан ижара ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечиб, ушбу ер участкаларини янги тизим асосида электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш учун тегишли туман ҳокимлиги тасарруфига қайтаради;

қолган ўртача 20 фоиз ер майдонлари учун мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга, хусусан, ер участкаси учун янгидан 49 йилга ижара ҳуқуқига эга бўлади;

---

\* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ер майдонининг ўзига қоладиган қисми учун ушбу ер участкаси норматив қийматининг 50 фоизи миқдоридagi маблағни 15 иш куни ичида тўлиқ тўлаш мажбуриятини олади;

ўзи лозим деб ҳисоблаган тақдирда, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришга, ер участкасига ижара ҳуқуқининг қийматини янги юридик шахснинг устав фондига киритишга ҳақли бўлади;

б) фермер хўжалиги ер участкаларини ўртача 80/20 фоиз нисбатида тақсимлаш ўзаро музокаралар асосида, контурлар яхлитлиги ва суғориш тизимини имкон қадар бузмаган ҳолда фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган ер майдони ҳажмини 3 гектардан 50 гектаргача белгилаш асосида амалга оширилади;

в) ер майдонини тақсимлашда унинг фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган қисми учун ҳам мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган ер участкаси ҳақидаги барча материаллар тайёрланади;

г) мазкур бандда назарда тутилган келишувлар фақатгина 3-иловада назарда тутилган ер участкалари ижарачилари билан улар томонидан қизиқиш билдирилган тақдирдагина амалга оширилади ҳамда туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузиладиган ер участкасининг бир қисмига бўлган ҳуқуқлардан ихтиёрий воз кечиш ва ер участкасининг ижара шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланадиган шартнома билан расмийлаштирилади.

5. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги янги тизим самарадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилган ҳолда, заруратга кўра, уни 2025 йилги кузги экиш мавсуми ва ундан кейинги даврларда бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этиш бўйича таклиф киритиб борсин.

#### 6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Адлия вазирлиги ва Кадастр агентлиги билан биргаликда янги тизим доирасида электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари учун ижара шартномасининг тавсиявий шаклини, шунингдек, ер участкасининг бир қисмига бўлган ҳуқуқлардан ихтиёрий воз кечиш ва ер участкасининг ижара шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги нотариал шартноманинг тавсиявий шаклини ишлаб чиқиб, барча манфаатдор шахсларга етказсин;

«Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан янги ажратиладиган ва ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларининг сифат кўрсаткичлари текшириб борилишини таъминласин;

малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда барча ерларда, шу жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда муайян муддат давомида алмашлаб экиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин.

#### 7. Марказий банк:

уч ой муддатда хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ер участ-

касига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

2026 йил охирига қадар ҳар ярим йил якунида ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш ҳисобига ажратилган кредитлар, бу жараёнда аниқланган тизимли муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича кўрилган чоралар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига батафсил ахборот киритиб борсин.

8. Солиқ қўмитаси бир ой муддатда ўз ахборот тизимларида ер участкасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва ҳажмлари, шунингдек, реализация қилинган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни киритиб бориш учун техник имкониятни таъминласин.

9. Қуйидагилар:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида «Қишлоқ хўжалигида ер ислохотларини амалга ошириш лойиҳа офиси» (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида «Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» давлат корхоналари (кейинги ўринларда — Дирекциялар) ташкил этилсин.

10. Белгилансинки:

Лойиҳа офиси Дирекциялар фаолиятини мувофиқлаштиради;

Дирекция ижарага олувчиларнинг ер участкасининг ижара шартномасида белгиланган ҳуқуқларидан амалда фойдаланишларини кафолатлайди, хусусан, сув етказиб бериш лимитларига риоя қилинмаслиги натижасида етказилган зарарларни дарҳол қоплаб бериб, кейинчалик регресс тартибда ундириб олади;

Дирекция, ўз танловига кўра, ижарага берилган ерларнинг суғориш тизимларини яхшилаш, электр энергияси таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, техникалар ҳаракати учун ички хўжалик йўллари-нинг ҳолатини яхшилаш каби ишларга маблағ ажратади, мазкур ишларда буюртмачи вазифасини бажаради;

Дирекция директори тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокими томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ҳафта муддатда Лойиҳа офиси ва Дирекциялар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Е-йага» ва «Suv hisobi» ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали «Ўздаверло-йиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтига янги тизим доирасида ижарага бериладиган ер участкалари бўйича сув билан таъминлаш усуллари, йиллик сув етказиб бериш лимитлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этсин.

Белгилансинки, ер участкасининг ижара шартномасида назарда тутилган сув етказиб бериш лимитларига риоя қилинмаган ҳолларда «Сув етказиб



бериш хизмати» давлат муассасалари, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ҳокимликлари ва Дирекция ижарачи олдидан солидар жавобгар бўладилар.

12. Энергетика вазирлиги «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан бирга ижарага олувчиларга сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва бошқа мақсадлар учун кафолатланган электр энергияси етказиб берилишини таъминласин.

13. Солиқ кодексининг 428-моддасига асосан:

янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ер участкалари (дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар) учун беш йил муддатга 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўланиши;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида ер солиғи тўлашдан озод қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ қўмитаси мазкур Фармонга асосан янгидан ижарага берилган ер участкаларида ташкил этилган боғлар, токзорлар ва тутзорлар учун ҳам мазкур имтиёз тўлиқ татбиқ этилишини таъминласин.

Белгилансинки, органик маҳсулотлар етиштириш учун Global G.A.P, GMP, FSCC, HACCP, Halal, Organic ва бошқа халқаро даражада тан олинган сертификатларни олган деҳқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига ижарага берилган ер участкалари учун 2028 йил 1 январга қадар ер солиғи 50 фоиз миқдорида тўланади.

14. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–52-сон қарорига асосан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш учун айланма маблағларни тўлдиришга 12 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада (шундан 2 фоизи банк маржаси) кредитлар ажратилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–36-сон Фармонига асосан халқаро молия институтларининг 220 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада миллий валютада озиқ-овқат йўналишидаги, соҳада маҳсулот етиштиришдан тортиб уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан, айланма маблағлар учун 18 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратилиши;

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доира-

сида юқори қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва асбоб-ускуналарини харид қилиш, кичик ҳажмдаги совиткичли омборхоналарни қуриш учун 300 млн сўмгача, шундан 100 млн сўмгача гаров таъминотисиз кредитлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Лойиҳа офиси ва Дирекциялар мазкур маблағлардан фойдаланишда ижарачиларга ҳар томонлама қўмаклашсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда 2026 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда қўйидагиларни назарда тутсин:

халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари учун ер солиғи ставкаларига нисбатан оширувчи ва пасайтирувчи коэффициентлар қўллаш;

ижарага берилган ер участкасининг норматив қиймати ва тупроқ бонитет бали ошганда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорини оширмаслик, яъни ижарага берилган пайтдаги норматив қийматга асосан солиқ ҳисоблаш;

ижарага берилган ер участкасининг норматив қиймати ва тупроқ бонитет бали тушиб кетганда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорини мутаносиб равишда уч каррагача ошириш;

Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритган ҳолда реализация қилинганлиги тасдиқланган маҳсулот ҳажми ер участкасининг норматив ҳосилдорлигига мос бўлган тақдирда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган базавий ставкада ҳисоблаш;

Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига киритган ҳолда реализация қилинганлиги тасдиқланган маҳсулот ҳажми ер участкасининг норматив ҳосилдорлигига нисбатан кўп ёки кам бўлган тақдирда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғига базавий ставкага нисбатан мутаносиб равишда уч каррагача камайтирувчи ва уч каррагача оширувчи коэффициентлар қўллаш.

16. Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда иқтисодий ҳолати оғир бўлган хўжаликлар томонидан ердан ва кредитлардан фойдаланишдаги муаммоларни ўрганиб, ушбу ҳолатда ер участкасида маҳсулот етиштирилишини таъминлаш имкониятлари юзасидан таклиф киритсин.

17. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси икки ой муддатда барча турдаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотишда нархларнинг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик чоралари, бўлиб-бўлиб тўлаш механизмларининг амалда самарадорлик ҳолати, бошлангич нархни шакллантириш ва тушган тўловларни тақсимлаш бўйича қоидаларнинг асослилигини ўрганиб, натижалари бўйича таклиф киритсин.

18. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

раиси Ф.У. Эрманов, Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари Ш.К. Абдурахманов, Ш.Ш. Абдуразаков, З.Т. Мирзаев, Х.Х. Бозаров, Жиззах вилояти ҳокими в.б. У.М. Мустафоев ер участкаларини ажратиш ишларини 2025 йил 1 мартга қадар тўлиқ якунласин. Бунда:

2025 йил 6 февралга қадар — Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) бўш турган ер участкалари ҳақидаги маълумотларни «Е-јага» ахборот тизимига тақдим этсин;

2025 йил 10 февралга қадар — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қ. Юлдашев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари лотларни электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарсин;

2025 йил 20 февралга қадар — Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари янги тизимга ўтиш истагини билдирган фермер хўжаликлари билан нотариал шартномалар имзоланишини ва улар томонидан туман ҳокимликлари тасарруфига қайтарилган ер участкаларининг электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин;

2025 йил 1 мартга қадар — Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) ер участкаларининг ижара шартномалари асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказсин, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қ. Юлдашев) ер участкалари чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилаб берсин;

2025 йил 10 мартга қадар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари мазкур Фармон асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–15-сон Фармони 2-бандининг «а» кичик банди «, сотилмаган лотларнинг нархи ҳар такрорий савдода 10 фоиздан босқичма-босқич бошланғич нархнинг 20 фоизигача камайтирилади» сўзлари билан тўлдирилсин.

20. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳақида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар, аҳоли ва ижрочилар ўртасида тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармон

ҳақида аҳоли ва тадбиркорларни интернет тармоғи ва мобиль алоқа воситалари орқали тезкор равишда хабардор қилиш чораларини кўрсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Ф.У. Эрманов, Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари Ш.К. Абдурахманов, Ш.Ш. Абдуразаков, З.Т. Мирзаев, Х.Х. Бозаров, Жиззах вилояти ҳокими в.б. У.М. Мустафоев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 3 февраль,  
ПФ–18-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 3 февралдаги  
ПФ–18-сон Фармониға  
1-ИЛОВА

**Янги тизим доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган  
ерларга 49 йилга ижара ҳуқуқини сотишдан тушган  
маблағларни тақсимлаш  
ТАРТИБИ**

1. Янги тизим доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларида сотишдан тушган маблағлар, оператор харажатлари чегириб қолинган ҳолда қуйидагича тақсимланади:

15 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга;

(5 фоиз — «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтига, 2 фоиз — Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтига, 3 фоиз — «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖга, 5 фоиз — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига. Бунда мазкур маблағларнинг жами миқдори бир календарь йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ошмаслиги лозим);

3 фоизи — Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Қишлоқ хўжалигида ер ислохотларини амалга ошириш лойиҳа офиси»га;

25 фоизи — тегишли «Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» давлат корхонасига;

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдорида — ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига;

қолган маблағлар — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

2. Янги тизим доирасида фермер хўжалигининг ўз ихтиёрида қолдириландиган ер участкаси норматив қийматининг 50 фоизи миқдорида тўланадиган маблағлар ҳам ушбу тартиб асосида тақсимланади, бунда оператор харажатлари учун ҳақ тўланмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**46**      **Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ижросини таъминлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этиш ва оила аъзоларига меҳнат қилишига шароит яратиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамоғида қолишини таъминлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2025 йил 1 мартдан бошлаб тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 2025 йил 1 октябрга қадар республиканинг қолган ҳудудларида 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати (кейинги ўринларда — кундузги парвариш хизмати) йўлга қўйилади.

Бунда ногиронлиги бўлган болалар кундузги парвариш хизматига уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ўртасида тузилган ижтимоий шартнома асосида ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан белгиланган тартибда берилган хулосага мувофиқ қабул қилинади.

2. 2025 йил 1 мартдан бошлаб кундузги парвариш хизматига оид фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

кундузги парвариш хизматидан фойдаланилган бир кун учун 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ҳар бир болага базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида ва 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар бир болага — 27 фоизи миқдорида субсидия ажратилади. Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари учун субсидия миқдори 1,1 кўпайтирувчи коэффициентни қўллаш орқали аниқланади;

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг ногиронлиги бўлган ҳар бир боласи учун мазкур кичик банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган субсидия умумий миқдорининг 30 фоизи миқдорида қўшимча маблағ тўлаб берилади;

кундузги парвариш хизмати ташкил этилган жойдан 3 километр радиусдан ортиқ масофада яшайдиган болаларнинг келиб-кеетишлари учун хусусий шерик томонидан транспорт хизмати йўлга қўйилганда, унга тарбияланувчининг ҳақиқатда қатнаган кунлари сонидан келиб чиққан ҳолда бир ой

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 февралда эълон қилинган.

учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизигача миқдорда компенсация тўланади;

б) 2027 йил 1 июлга қадар кундузги парвариш хизматини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига Марказий банкнинг асосий ставкасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида мебель ва жиҳозлар хариди учун имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида иштирок этаётган банкларга имтиёзли кредит ажратиш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт паст ставкада 30 миллиард сўмгача миқдорда ресурс ажратилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни ташкил этиш жараёнларини рақамлаштириш мақсадида:

а) 2025 йил 1 мартга қадар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида, жумладан, қуйидаги имкониятларга эга «Кундузги парвариш хизматини бошқариш» ахборот модули ҳамда унинг мобиль иловаси яратилади:

мобиль илова ёрдамида тарбияланувчиларнинг давоматини шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритиш;

Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар миқдорини тарбияланувчиларнинг давомати асосида автоматик равишда ҳисоблаб чиқиш;

б) 2025 йил 1 сентябрга қадар болаларнинг ривожланишида кузатиладиган нуқсонларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида комплекс ижтимоий-тиббий ёрдам билан қамраб олиш, уларда ногиронликнинг олдини олиш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларда муваффақиятли ижтимоийлашувни таъминлашга қўмаклашувчи, жумладан, қуйидаги имкониятларга эга «Болалар саломатлиги» ахборот тизими жорий этилади:

комплекс ижтимоий-тиббий ёрдам билан қамраб олиш учун ҳар бир бола кесимида қўйилган ташхисларни таҳлил қилиш;

рўйхатга олинган болалар учун тиббий, реабилитация, таълим, ижтимоий хизматлар ва тўловларни ўз ичига олган яхлит маълумотлар асосида кенг қамровли хизматларни ташкил этиш;

в) мазкур бандда назарда тутилган ахборот тизимларини ишга тушириш ва уларни кейинчалик сақлаб туриш харажатлари Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган ахборот тизимларининг ўз вақтида ишга туширилишини ҳамда ишга тушгандан сўнг бир ой муддатда уларнинг «Тиббий-ижтимоий экспертиза» ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

а) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматини кўрса-



тувчи тадбиркорлик субъектларини 2030 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод қилиш;

ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг кундузги парвариш хизматларидан фойдалангани учун ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларини солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритиш;

б) 2025 йил 1 октябрга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизматлар қамровини кенгайтириш бўйича таклифларни киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 3 февраль,  
ПҚ-41-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRINING  
BUYRUG‘I****47 “5 — 9-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
5-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2117-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2023-yil 26-mayda PF–79-son “Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi hamda uning tizimidagi tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2010-yil 8-iyunda 23, 11/QQ-son “5 — 9-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga (ro‘yxat raqami 2117, 2010-yil 25-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 26-27-son, 215-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi

**Vazir****X. UMAROVA**

Toshkent sh.,  
2025-yil 4-fevral,  
1-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 5-fevralda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
maktabgacha va maktab ta'limi vazirining  
2025-yil 4-fevraldagi 1-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**“5 — 9-sinf o'quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning  
reyting tizimi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga  
kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Buyruqda:

1) buyruqning nomidagi “5 — 9-sinf” degan so'zlar “5 — 11-sinf” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) buyruqning muqaddimasidagi “Ta'lim to'g'risida”gi (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997-y., 9-son, 225-modda) va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida”gi (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997-y., 11-12-son, 295-modda) qonunlariga” degan so'zlar “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 26-maydagi PF-79-son “Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda uning tizimidagi tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 1-banddagi “5 — 9-sinf” degan so'zlar “5 — 11-sinf” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) nizomning nomidagi “5 — 9-sinf” degan so'zlar “5 — 11-sinf” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) nizomning muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom davlat umumiy o'rta ta'lim muassasalarida (bundan buyon matnda umumiy o'rta ta'lim muassasalari deb yuritiladi) 5 — 11-sinf o'quvchilarining bilimlarini baholash va ularning reytingini aniqlash tartibini belgilaydi.”;

3) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida 5 — 11-sinf o'quvchilarining (bundan buyon matnda o'quvchilar deb yuritiladi) bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi (bundan buyon matnda reyting tizimi deb yuritiladi) Umumiy o'rta ta'lim davlat ta'lim standartining (bundan buyon matnda Davlat ta'lim standarti deb yuritiladi) tarkibiy qismi hisoblanadi.”;

4) 6-bandning oltinchi xatboshisidagi “O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab vazirligining (bundan buyon matnda vazirlik deb yuritiladi)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

5) quyidagi mazmundagi 6<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“6<sup>1</sup>. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarning bilimi formativ va summativ usullarda ham baholanishi mumkin.

Formativ baholash — dars mashg'ulotlari davomida o'quvchilar faoliyatini kuzatish hamda ularning bilim va ko'nikmalarini o'lchash hamda natijani yaxshilash uchun ko'rsatmalar berish jarayoni hisoblanadi.

Summativ baholash — ta'lim jarayonining muayyan bir davri (chorak, yarim yil yoki o'quv yili) yoki bosqich (o'quv fanining bob, bo'limi) yakunida o'quvchining o'zlashtirgan bilimi va amaliy ko'nikma darajasini o'qituvchi va vazirlik tomonidan aniqlash va baholash usuli hisoblanadi.

O'quvchilarning bilimini formativ va summativ usullarda baholash joriy etiladigan umumiy o'rta ta'lim muassasalari ro'yxati vazirlik tomonidan tasdiqlanadi.”;

6) quyidagi mazmundagi IV<sup>1</sup>-bob bilan to'ldirilsin:

**“IV<sup>1</sup>. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarning bilimini formativ va summativ usullarda baholash**

18<sup>1</sup>. Formativ baholash mezonlari o'quv fanining xususiyatlari va unga ajratilgan soatlardan kelib chiqib, o'qituvchi tomonidan mustaqil belgilanadi.

Formativ baho bir chorak (o'quv reja asosida o'quv fanlariga ajratilgan haftalik soat sonidan kelib chiqib, yarim yillik va yillik bo'lishi mumkin) davomida 1 ball dan 10 ballgacha qo'yib borilgan ballarning o'rta arifmetigidan shakllantiriladi.

Har bir o'quvchi bir chorak davomida (yarim yillik, yillik) kamida 4-marta o'qituvchi tomonidan formativ baholanishi kerak.

18<sup>2</sup>. Summativ baholash bob bo'yicha summativ baholash hamda chorak bo'yicha summativ baholashni o'z ichiga oladi.

Har bir o'quv fani bo'yicha summativ baholash uchun test topshiriqlari shakli (o'quv fani mazmuni, tarkibi, savollar soni, topshiriqlar turi, vaqt me'yorlari) vazirlik tomonidan belgilanadi.

18<sup>3</sup>. Bob va chorak bo'yicha summativ baholash uchun nazorat materiallari va ularning spetsifikatsiyalari, sillabuslari va baholash mezonlari vazirlik tomonidan umumiy o'rta ta'lim muassasalariga har o'quv yili davomida taqdim etiladi.

Bunda, vazirlik tomonidan o'quvchilar uchun nazorat materiallari va o'qituvchilar uchun baholash mezonlari e-maktab elektron jurnaliga joylashtiriladi.

O'qituvchilar baholash jarayonlarini o'tkazish vaqtida nazorat materiallariga baholash mezonlaridan chiqmagan holda yangi nazorat materiallarini yaratish, berilgan nazorat materiallariga o'zgartirishlar kiritishi mumkin.

18<sup>4</sup>. Bob bo'yicha summativ baholash o'quvchining o'quv fanlari bobi hamda bo'limlarining o'zlashtirish darajasini aniqlash va baholash usuli hisoblanadi.

Bob bo'yicha summativ baholash jarayoni o'quv rejasi asosida o'quv fanlariga ajratilgan haftalik soatdan kelib chiqib, 1-martadan 3-martagacha o'tkazilishi mumkin (haftasiga 1-2 soatgacha ajratilgan o'quv fanlari bo'yicha 1-marta, 3-4 soatgacha ajratilgan o'quv fanlari uchun 2-marta, 5 va undan ortiq soat ajratilgan o'quv fanlari uchun 3-marta). Bob bo'yicha summativ baholashga barcha turdagi yozma ishlar, amaliy ish, laboratoriya ishi, loyiha ishi, ijodiy ish, og'zaki javob talab etuvchi topshiriqlar kiradi.

18<sup>5</sup>. Chorak bo'yicha summativ baholash o'quvchining o'zlashtirgan bilim hamda amaliy ko'nikmasi darajasini aniqlash va baholash usuli hisoblanib, har chorak yakunida o'tkaziladi.

Chorak bo'yicha summativ baholash o'quv fanlari uchun ajratilgan haftalik

soatlardan kelib chiqib (har chorakda, yarim yilda, bir o'quv yilida bir marotaba) o'tkaziladi. Bunda, bitta sinfda bir o'quv kuni mobaynida 3 ta o'quv fanlaridan ko'p bo'lmagan holda baholash o'tkaziladi.

Chorak bo'yicha summativ baholash jarayonlari markazlashgan holda belgilangan o'quv fanlaridan vazirlik tomonidan yozma yoki kompyuterda o'tkazilishi mumkin.

18<sup>6</sup>. O'quvchining choraklik bahosi (maksimal 100 ball) quyidagicha shakllanadi:

10 ball chorak davomida formativ baholash (o'qituvchi tomonidan baholanadi);

50 ball chorak davomidagi bob bo'yicha summativ baholash (o'qituvchi tomonidan baholanadi);

40 ball chorak oxirida chorak bo'yicha summativ baholash (o'qituvchi yoki vazirlik tomonidan baholanadi).

18<sup>7</sup>. O'quvchining o'quv yili davomida to'plagan ballari quyidagi taqsimot asosida baho shakliga o'tkaziladi (konvertatsiya qilinadi):

|          |   |            |
|----------|---|------------|
| 86 — 100 | 5 | a'lo       |
| 66 — 85  | 4 | yaxshi     |
| 30 — 65  | 3 | qoniqarli  |
| 0 — 29   | 2 | qoniqarsiz |

18<sup>8</sup>. Summativ baholashni o'tkazish jarayonida o'quvchilarning auditoriyadan chiqishi, bir-biri bilan gaplashishi, o'zga o'quvchining ishini ko'chirishi, o'zi bilan darsliklar, o'quv-uslubiy qo'llanmalar, lug'atlar, ma'lumotnomalar va boshqa adabiyotlar, konspektlar, elektron va qog'oz shakldagi shpargalkalar, kalkulyatorlar, aloqa vositalari (shu jumladan, uyali aloqa vositasi), audio-, foto- va video-yozuv qurilmalari hamda boshqa axborot-kommunikatsiya vositalarini olib kirishi va ulardan foydalanishi taqiqlanadi.

Fanning xususiyatidan kelib chiqib, summativ baholash jarayonini o'tkazishda tegishli fan bo'yicha mas'ul pedagog tomonidan kalkulyatordan foydalanishga nisbatan istisnolar belgilanishi mumkin.

18<sup>9</sup>. Summativ baholash jarayonida qatnasha olmagan yoki 30 foizdan past natija qayd etgan o'quvchilar uchun quyidagi hollarda qayta topshirish jarayonlarida ishtirok etishga yo'l qo'yiladi:

uzrli sabablarga ko'ra (o'quvchining yoki yaqin qarindoshining betobliligi (tibbiy ma'lumotnoma asosida), yo'l-transport hodisasi, yaqin qarindoshining vafoti, yaqin qarindoshining nikoh tuzishi, respublika yoki xalqaro olimpiada va tanlovlarda umumiy o'rta ta'lim muassasasi nomidan ishtirok etganligi, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) summativ baholashda qatnashmagan o'quvchilarga qayta topshirishda ularning olgan ballari qo'yiladi;

uzrsiz sabablarga ko'ra summativ baholashda qatnashmagan, ushbu Nizomning 18<sup>8</sup>-bandi birinchi xatboshisida ko'rsatilgan talablarni buzgan yoki summativ baholashda 30 foizdan past natija qayd etgan o'quvchilarning maksimal bali 65 foizdan oshmagan holda baholanadi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SOLIQ QO'MITASINING  
QARORI

**48** “Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
6-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1334-3*

O'zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to'g'risida”gi va “Davlat soliq xizmati to'g'risida”gi qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksiga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Soliq qo'mitasi hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 29-yanvar,  
227-son

**Kambag'allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 28-yanvar,  
2025-02-son

**Soliq qo'mitasi raisining  
birinchi o'rinbosari**

**M. MIRZAYEV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 14-yanvar,  
2025-02-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 7-fevralda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil  
29-yanvardagi 227-son, Soliq qo'mitasining  
2025-yil 14-yanvardagi 2025-02-son hamda  
Kambag'allikni qisqartirish va bandlik  
vazirligining 2025-yil 28-yanvardagi  
2025-02-son qaroriga  
ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy  
normativ-huquqiy hujjatlar  
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2004-yil 10-martdagi 37, 2004-26, 20/1-son "Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1334, 2004-yil 6-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 14-son, 173-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2009-yil 17-dekabrda 117, 2009-36, 78-son "Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi va soliqqa tortish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1334-1, 2010-yil 14-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 1-2-son, 14-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2015-yil 7-iyuldagi 62, 2015-25, 25-q/q-son "Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1334-2, 2015-yil 14-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 28-son, 377-modda).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**49** Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-4*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 3-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/3114/2423-сон) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимиға тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 1 февраль,  
1-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2025 йил 1 февралдаги  
1-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш  
бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш  
хуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Нотариат, адвокатура ва хуқуқий хизматлар» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва медиация» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Танлов уларни ўтказиш бўйича тегишли хулоса тасдиқланган кундан бошлаб бир ҳафтадан сўнг, лекин ўн беш кундан кечиктирмай ўтказилади.

Танлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида у ўтказиладиган кундан камида бир ҳафта олдин танлов бўйича талабгорга унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборилади.»

3. 20-банддаги «беш кун олдин» деган сўзлар «бир ҳафта олдин» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**50** «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПФ–226-сон «Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мҳ-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3137, 2019 йил 18 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2019 й., 10/19/3137/2632-сон) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 31 январь,  
1-мҳ-сон

*Келишилди:*

**Мактабгача ва мактаб  
таълими вазири**

**Х. УМАРОВА**

*2025 йил 28 январь*

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХУДАЯРОВ**

*2025 йил 23 январь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
спорт вазирининг 2025 йил 31 январдаги  
1-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига» деган сўзлар «Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

1) номидаги «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига» деган сўзлар «Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддимадаги «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига» деган сўзлар «Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан гимнастика мактабига 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган таълим олувчи ўқувчи-спортчиларнинг умумий контингенти 132 нафарни ташкил этган ҳолда, ўқиш муддати 11 йил бўлиб, ҳар йили 12 нафар иқтидорли ўқувчи-спортчилар қабул қилинади.»;

4) 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

5) 2 — 10-иловаларнинг илова белгисидаги «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига» деган сўзлар «Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

«Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган  
республика болалар-ўсмирлар олимпия  
захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчи-  
ларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган  
республика болалар-ўсмирлар олимпия  
захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчи-  
ларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган  
республика болалар-ўсмирлар олимпия  
захираси спорт мактаби директорига

\_\_\_\_\_да  
(яшаш манзили)

яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_дан  
(Ф.И.О.)

**АРИЗА**

Менинг фарзандим \_\_\_\_\_га  
(Ф.И.О.)

Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олим-  
пия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни танлаб олиш ва қабул  
қилиш танловида иштирок этишга рухсат беришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(сана)

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**51** Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг маъсулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 3 декабрдаги 809-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги экспертларни аккредитация қилиш ҳамда Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 8 июндаги 317-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2019 йил 26 августдаги 324-сон буйруғи (рўйхат рақами 3187, 2019 йил 3 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2019 й., 10/19/3187/3846-сон) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 февралда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 14 январь,  
252-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
федерацияси раиси**

**К. РАФИКОВ**

2025 йил 6 январь

**Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири**

**Б. ЗАХИДОВ**

2025 йил 4 январь

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги директорининг 2025 йил  
14 январдаги 252-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати  
раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари  
билан келишиш, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда иш  
самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бевосита мазкур давлат органлари ва ташкилотларига проактив шаклда давлат хизматини кўрсатиш тарзида амалга оширилади.».

2. 25-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарлари тегишли равишда Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида ҳар уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтади. Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини улар ишлаётган ташкилот томонидан бошқа турдаги аттестациялардан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Биринчи марта лавозимга тайинланган ахборот хизмати раҳбари лаво-



зимга тайинланган йилида, бироқ лавозимда камида уч ой ишлаганидан кейин аттестациядан ўтади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар икки ойлик муддат ичида аттестациядан ўтиш керак.».

3. 1-илованинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Номзодга берилган саволлар ва уларнинг жавоблари:

1) савол: \_\_\_\_\_

жавоб: \_\_\_\_\_

2) савол: \_\_\_\_\_

жавоб: \_\_\_\_\_

3) савол: \_\_\_\_\_

жавоб: \_\_\_\_\_

4) савол: \_\_\_\_\_

жавоб: \_\_\_\_\_

5) савол: \_\_\_\_\_

жавоб: \_\_\_\_\_

6) амалий синов натижаси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_».

4. 2-илованинг матнидаги «Паспортнинг» деган сўз «Паспорт (ID-карта)нинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**52** “Yillik mehnat ta'tili vaqtida saqlanib qolinadigan o'rtacha ish haqi miqdorini aniqlash tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
7-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2985-1*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-noyabrdagi 758-son “O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksini amalga oshirishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi hamda Moliya vazirligining 2018-yil 28-fevraldagi 8-q/q, 47-son “Yillik mehnat ta'tili vaqtida saqlanib qolinadigan o'rtacha ish haqi miqdorini aniqlash tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 2985, 2018-yil 17-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 17.03.2018-y., 10/18/2985/0914-son) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Kambag'allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 31-yanvar,  
2024/q-q-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 29-yanvar,  
226-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 7-fevralda e'lon qilingan.

*Kelishildi:*

*O'zbekiston kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi*

*K. RAFIKOV*

*2025-yil 7-yanvar*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

**53** «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Солиқ қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 30 январь,  
230-сон

*Келишилди:*

*Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори*

**А. ОРТИКОВ**

*2025 йил 25 январь*

*Солиқ қўмитаси раиси*

**Ш. КУДБИЕВ**

*2025 йил 15 январь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2025 йил  
30 январдаги 230-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1401, 2004 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 398-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 6 апрелдаги 28-сон «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1401-1, 2010 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 144-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 14 июлдаги 65-сон «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1401-2, 2015 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 387-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 98-сон «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1401-3, 2017 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 715-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 21-сон «Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1401-4, 2019 йил 6 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 10/19/1401-4/2716-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**54** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан  
ўтказиш услубиётини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3605*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ–111-сон «Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услубиёти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 31 январь,  
2-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги  
2-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш жараёнларини услубий жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги** (бундан буён матнда мониторинг деб юритилади) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш билан боғлиқ жараён;

**мониторинг режаси** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиш мақсадлари, индикаторлари, мониторинг ўтказиш даврийлиги ҳамда мониторингни ўтказиш билан боғлиқ бошқа талабларни белгилайдиган режа;

**мониторинг ҳисоботи** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан ўтказилган мониторинг яқунлари бўйича тайёрланадиган ҳисобот;

**индикаторлар** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси, мақсадларига эришиш даражаси ва самарадорлигини акс эттирувчи асосий устувор кўрсаткичлар;

**субиндикаторлар** — индикаторлар натижаларини шакллантиришда фойдаланиладиган миқдорий ёки сифат кўрсаткичлар;

**индекс** — бир тоифадаги индикаторларга берилган қийматларнинг йиғиндисидан шаклланган умумий кўрсаткич;

**миқдорий кўрсаткичлар** — маълум иқтисодий ёки жисмоний моҳиятга эга бўлган, сон сифатида ифодаланадиган кўрсаткичлар;

**сифат кўрсаткичлари** — харажат, миқдор, вазн ва оғирлик, узунлик, самарадорлик ва бошқа ўлчовларнинг аниқ бирликлари билан ўлчаш қийин бўлган кўрсаткичлар. Улар, қоида тариқасида, одамларнинг маълум фактлар, ходисалар, уларнинг афзалликлари ва баҳоларига муносабатини акс эттиради. Сифат кўрсаткичлари фоизлар билан ҳам ўлчанади.

2. Тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи қонун ҳужжатларининг ижроси улар кучга киргандан сўнг беш йил давомида, қонуности ҳужжатларининг ижроси эса улар кучга киргандан сўнг уч йил давомида мажбурий равишда ҳар йили мониторингдан ўтказилади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартиблар у қабул қилинганидан маълум муддат ўтгач ёки бир неча босқичда жорий этилиши



назарда тутилган бўлса, мониторинг мазкур ҳужжат қабул қилинган пайтдан бошлаб, ушбу тартиблар тегишинча уч ёки беш йил давомида амал қилгунга қадар ўтказилади.

Мониторинг натижаларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликда белгиланган тартибда масъул давлат органи томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

3. Мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ўтказилишига бевосита масъул этиб белгиланган давлат органи томонидан, масъул орган белгиланмаган ҳолларда тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Мониторинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

4. Қуйидагилар мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш, унинг ижроси ва натижаларини мунтазам ҳамда тизимли равишда кузатиб бориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш учун статистик маълумотларни тўплаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш.

5. Мониторинг режаси ва мониторинг ҳисоботи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи ҳамда мониторингни ўтказишга масъул бўлган вазирлик ва идоралар томонидан мазкур Услубиётнинг 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ шаклда тўлдирилади.

Мониторинг режаси ва мониторинг ҳисоботи вазирлик ва идоранинг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланади.

6. Мониторинг режаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда тайёрланади ва лойиҳа қабул қилингунига қадар бўлган барча босқичларда унга илова қилинади.

7. Қуйидагилар мониторинг режасини шакллантириш ва мониторингдан ўтказиш учун ахборот манбалари ҳисобланади:

расмий статистик маълумотлар;

ҳалқаро рейтинг ва индекслар;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказилган ўрганишлар, шу жум-

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ладан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар;

ижтимоий сўровлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари;  
суд қарорлари, шу жумладан суд амалиёти таҳлиллари;  
жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг таҳлили;  
оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтларда эълон қилинган материаллар;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тақиқланмаган бошқа манбалар.

## **2-боб. Мониторинг режасини ишлаб чиқиш**

### **1-§. Мониторинг режасининг тузилиши**

8. Мониторинг режасида қуйидагилар акс эттирилади:

мониторингни амалга ошириш учун масъул давлат органи ёки ташкилоти;  
мақсадларни ўлчаш учун индикаторлар;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадлари;  
индикаторни ҳисоблаш учун ўлчов бирлиги;  
мақсадларни ўлчаш учун белгиланадиган индикаторларнинг тоифаси;  
индикаторни ўлчаш даврийлиги;  
индикаторнинг вазни;  
мақсадли кўрсаткичлар;  
индикаторнинг жорий ҳолати;  
маълумот бериш учун масъул вазирлик ва идоралар.

9. Мониторинг режаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади ва тегишли индикаторлар орқали ўлчанади.

10. Индикаторлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижроси самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи асосий мезонлар ҳисобланиб, зарур ҳолларда бир нечта субиндикаторлар орқали ҳисобланиши мумкин.

11. Субиндикаторлар индикаторнинг муайян жиҳатларини аниқроқ баҳолаш ва тўлиқ маълумот бериш мақсадида шакллантирилади ҳамда индикаторларга нисбатан аниқлаштирилган кўрсаткичлар сифатида хизмат қилади.

Бунда, субиндикаторлар умумий индикаторни ўлчашга хизмат қилувчи қўшимча маълумот манбалари бўлиб, мониторинг жараёнида тўпланган маълумотларнинг тўғри ва ҳолислигини таъминлайди.

### **2-§. Индикаторларнинг тоифаси**

12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигини баҳолаш учун индикаторлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

а) ресурс кўрсаткичлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш учун ажратилган моддий ва техник ресурсларни акс эттиради;

Масалан:

Ресурс кўрсаткичлари қонун ижросини таъминлаш учун ажратилган мо-

лиявий манбалар, инсон ресурслари, ахборот тизимларининг мавжудлиги ва таъминланганлиги каби субиндикаторлар орқали ҳисобланиши мумкин;

б) амалиёт кўрсаткичлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси доирасида амалга оширилган ишларнинг (кўрсатилган давлат хизматлари ва бошқалар) сифати ва аҳоли учун қулайлигини кўрсатади;

Масалан:

Амалиёт кўрсаткичлари ваколатли органлар томонидан қарор қабул қилишнинг тезлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлашда жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлиги, тартиб-таомилларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги ва жорий этилган механизмларнинг амалда бажарилиши каби субиндикаторларни ўз ичига олади;

в) натижадорлик кўрсаткичлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг унда белгиланган мақсадларга эришилганлиги ҳолатини кўрсатади.

Масалан:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадларига эришиш кўрсаткичлари (миқдорий ва сифат кўрсаткичлари), норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлашда жараён иштирокчиларининг тартиб-таомиллардан қониқиш кўрсаткичлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро таъсири, бозор иштирокчилари ҳуққ-атворининг ўзгариши каби субиндикаторлар орқали ўрганилади.

### **3-§. Индикаторларни ишлаб чиқиш мезонлари**

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг индикаторлари қуйидаги мезонларга мувофиқ ишлаб чиқилиши зарур:

аниқ бўлиши — индикаторлар аниқ ва барча учун бир хилда тушуниш имкониятини бериши, улар фақат белгиланган натижа ёки таъсирни ўлчашга қаратилган бўлиши;

эришса бўладиган бўлиши — индикаторлар амалий, реал ва мавжуд ресурслар ҳамда ташкилий имкониятларга мос бўлиши керак;

ўлчовли бўлиши — индикаторлар аниқ, объектив ва қатъий ўлчанадиган миқдорий ва сифат кўрсаткичлар билан белгиланиши, статистик ҳисоб-китоб ва мониторинг қилиш имконини берадиган аниқ методология ва индикаторлар шкаласи билан таъминланиши;

долзарб бўлиши — далилларга қатъий асосланган, статистик ва қиёсий таҳлил натижаларига таянган, аниқ ва долзарб муаммоларни ҳал қилишга мақсадли йўналтирилган, стратегик мақсадлар ва кутилган натижалар билан тўлиқ узвий боғлиқ бўлиши;

муддатли бўлиши — индикаторларга эришиш учун аниқ, реал ва асосланган вақт даври белгиланиши ҳамда белгиланган вақт оралиғида бажариладиган бўлиши.

14. Индикаторларни ишлаб чиқишда мамлакатни ривожлантиришга қаратилган стратегия, концепция ва дастурларда белгиланган вазифа, мақсад ва кўрсаткичлар инobatга олинаши зарур.

Бунда, аввало халқаро рейтинглар ва индекслар, шунингдек жаҳон таърибасида қўлланилаётган энг яхши амалиётлар иноватга олинади.

Мамлакатни ривожлантириш қаратилган стратегия, концепция ва дастурларда соҳага тегишли мақсад ва кўрсаткичлар белгиланмаган ҳолларда, индикаторларни ишлаб чиқиш халқаро таъриба ва хорижий давлатлардаги ўхшаш ҳолатлар бўйича қиёсий таҳлил асосида ишлаб чиқилиши мумкин.

#### **4-§. Индикаторларнинг ўлчамлари**

15. Индикаторни ҳисоблаш учун ўлчов бирлиги унинг мазмуни ва мақсадига мувофиқ равишда фоиз, сон, балл ёки вақт бирлиги каби кўрсаткичларда белгиланади.

16. Индикаторни ўлчаш даврийлиги индикаторни баҳолаш учун белгиланган вақт оралиғи (ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йиллик) ҳисобланади.

Индикаторни ўлчаш даврийлигини белгилашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадларига эришиш ҳамда унинг қўлланилиши учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобга олинади.

17. Ҳар бир индикаторга, шу жумладан субиндикаторларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг умумий мақсадига эришишдаги ҳиссасидан келиб чиққан ҳолда вазн белгиланади.

Бунда индикаторларнинг аҳамияти ва уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижроси натижаларига таъсир кўрсатиш даражаси ҳисобга олиниб, умумий вазнга нисбатан тегишли улуши аниқланади.

Индикаторларга берилган вазнлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самардорлигини баҳолашда ҳолис ва аниқ ёндашувни таъминлаши лозим.

Индикаторларнинг нисбий аҳамиятини аниқлашда соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, илмий доира вакиллари ҳамда амалиётчи мутахассисларнинг ҳулосалари асосида баҳолаш усули қўлланилиши мумкин.

Баҳолаш усули индикаторларнинг, шу жумладан субиндикаторларнинг мавжуд ҳолатга мослигини, уларнинг амалий аҳамияти ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадларига эришишдаги ролига оид ишончли маълумотни олиш мақсадида қўлланилади.

Субиндикаторларнинг вазнини белгилашда, унинг умумий индикаторга бўлган таъсири ва эришиладиган натижаларга қўшадиган ҳиссаси иноватга олинади.

18. Индикаторнинг жорий қиймати индикаторнинг муайян вақт кесимида қайд этилган, амалдаги ҳолатини акс эттирувчи миқдорий ёки сифат кўрсаткичи бўлиб, мақсадли индикаторларни белгилаш ва ижро натижаларини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

19. Мақсадли кўрсаткичлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини баҳолаш ва уларнинг белгиланган мақсадларга эришиш даражасини аниқлаш учун белгиланади.

20. Мақсадли кўрсаткичлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланади ҳамда қуйидаги тартибда белгиланади:

а) агар индикатор биринчи маротаба аниқланган бўлса, мамлакатни ривожлантиришга қаратилган стратегия, концепция ва дастурларда белги-

ланган мақсадлар ёки халқаро тажриба ва хорижий давлатлардаги ўхшаш ҳолатлар бўйича қиёсий таҳлил асосида;

б) агар индикатор ўтган йилларда ҳам аниқланган бўлса, унинг олдинги йиллардаги натижалари ҳамда ривожланиш динамикаси асосида.

### **3-боб. Мониторинг ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилишини таҳлил қилиш**

#### **1-§. Мониторингни ташкил этиш**

21. Мониторинг индикаторлар юзасидан тегишли маълумотларни йиғиш ҳамда ушбу Услугабўйича 2-иловасида белгиланган мониторинг натижалари бўйича ҳисоботни тўлдириш орқали амалга оширилади.

22. Мониторинг қўйидаги принциплар асосида ўтказилади:

холислик — мониторинг жараёнида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолашда холисона ёндашувни таъминлаш, мониторинг натижаларига ташқи омиллар таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслик;

аниқлик — мониторинг доирасида олинган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, уларнинг амалдаги ҳолатга мувофиқлигини кафолатлаш;

етарлилик — мониторинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ҳажмдаги маълумотлар тўпламини шакллантириш ва тегишли хулосалар чиқариш имкониятини таъминлаш;

тизимлилик — мониторинг жараёнларини белгиланган тартиб ва кетма-кетликда амалга ошириш, маълумотларни тизимли равишда тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш тартибини жорий этиш;

долзарблилик — мониторинг натижаларини белгиланган муддатларда тақдим этиш, маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш ва кечикишларнинг олдини олиш.

23. Мониторинг ўтказишга масъул бўлган вазирлик ёки идора томонидан мониторингни самарали ташкил этиш мақсадида мониторинг ўтказиш тартиби белгиланади.

Бунда мониторинг учун масъул бўлган тузилма ва шахслар, ахборот тўплаш тартиби ва муддатлари аниқ белгиланиши лозим.

24. Мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар мониторинг режасида кўрсатилган масъул вазирлик ва идоралардан, шунингдек соҳага масъул бўлган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларидан сўров асосида олинади.

25. Мониторингни ўтказишда зарур бўлган ахборот ва маълумотларни тўплаш расмий статистик маълумотлар билан биргаликда аҳоли ва манфаатдор томонлар ўртасида сўровлар ўтказилиши орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **2-§. Мониторинг натижаларини қайд этиш**

26. Мониторинг натижасида тўпланган маълумотлар асосида ресурс, амалиёт ва натижадорлик индекслари қўйидаги тартибда ҳисобланади:

а) индикаторнинг мақсадга эришиш даражаси (MED) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$MED = \frac{\text{эришилган натижа}}{\text{Белгиланган мақсадли кўрсаткич}} \times 100\%$$

Масалан:

Амалда кўрсатилган хизматларнинг сони 120 тани ташкил этса ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичи 300 та этиб белгиланган бўлса, ушбу индикаторнинг мақсадга эришиш даражаси  $(120 \text{ ч } 300) \times 100 \% = 40 \%$  га тенг;

б) индикаторнинг қиймати унинг мақсадга эришиш даражаси белгиланган вазнига кўпайтириш орқали аниқланади.

Масалан:

Агар индикаторнинг вазни 25 фоиз бўлса ва мақсадга эришиш даражаси 40 фоиз бўлса, у ҳолда индикаторнинг қиймати  $(25 \times 40) \text{ ч } 100\% = 10$  га тенг бўлади;

в) ресурс, амалиёт ва натижадорлик индексларини ҳисоблаш учун ўлчанган индикаторларнинг қийматлар йиғиндиси чиқарилади.

Масалан:

Ресурс индекси (RI) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$RI = \sum \text{вазні} \times \text{қийматі}$$

Бунда:

вазні — і индикаторнинг вазни;

қийматі — і индикаторнинг қиймати.

27. Ресурс, амалиёт ва натижадорлик индексларининг натижаси қуйидаги шкалада баҳоланади:

86 — 100 фоиз — яхши натижа (тартибга солиш мақсадларига юқори даражада эришилган);

71 — 85 фоиз — қониқарли натижа (тартибга солиш мақсадларига сезиларли даражада эришилган);

1 — 70 фоиз — қониқарсиз натижа (тартибга солиш мақсадларига лозим даражада эришилмаган).

28. Ресурс ва амалиёт кўрсаткичлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижросининг (жараённинг) қай даражада тўғри ва тизимли ташкил этилганлигини, натижадорлик кўрсаткичи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кўзланган мақсадларга эришилиш ҳолатини кўрсатади.

#### 4-боб. Якуний қоидалар

29. Вазирлик ва идоралар ҳар йили 1 февралга қадар ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда ўзларининг расмий веб-сайтида эълон қилади ҳамда тегишлилигига қараб «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2025 й.

gov.uz» ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

30. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларнинг мониторинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда мувофиқлаштириб боради.

31. Индекслар қониқарли ёки қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, мониторингга масъул вазирлик ёки идора томонидан тартибга солиш мақсадларига эришишни таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши лозим.

32. Чора-тадбирлар режасида қонунчилик ҳужжати ижросида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар, уларнинг амалга ошириш муддатлари ҳамда ижрога масъул таркибий бўлинмалар кўрсатилади.



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta'limi vazirining 2025-yil 4-fevraldagi 1-mh-son "5 — 9-sinf o'quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 5-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2117-2.***

2. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-yanvardagi 227-son, Soliq qo'mitasining 2025-yil 14-yanvardagi 2025-02-son hamda Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 28-yanvardagi 2025-02-son "Inventarizatsiya jarayonida aniqlangan mol-mulk kamomadi va ortiqchasining buxgalteriya hisobi tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorni, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi qarori.

***2025-yil 6-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1334-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 1 февралдаги 1-мх-сон "Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтихонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-4.***

4. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 31 январдаги 1-мх-сон "Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-4.***

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2025 йил 14 январдаги 252-сон "Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати раҳбарини лавозимга тайинлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан келишиш, уларни аттестациядан

ўтказиш ҳамда иш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2025 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3187-2.**

6. О‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 31-yanvardagi 2024/q-q-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-yanvardagi 226-son “Yillik mehnat ta’tili vaqtida saqlanib qolinadigan o‘rtacha ish haqi miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori.

**2025-yil 7-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2985-1.**

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2025 йил 30 январдаги 230-сон “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2025 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-5.**

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 31 январдаги 2-мх-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторингдан ўтказиш услугиётини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2025 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3605.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги 37, 2004-26, 20/1-сон “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1334, 2004 йил 6 апрель), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1334-1, 2010 йил 14 январь), (рўйхат рақами 1334-2, 2015 йил 14 июль).

**2025 йил 6 февралда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8-қ/қ, 47-сон “Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”-ги қарори (рўйхат рақами 2985, 2018 йил 17 март).

**2025 йил 7 февралда давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1401, 2004 йил 29 август), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1401-1, 2010 йил 12 май), (рўйхат рақами 1401-2, 2015 йил 21 июль),

(рўйхат рақами 1401-3, 2017 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1401-4, 2019 йил 6 март).

*2025 йил 7 февралда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

